O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 25 март, № 58 (3857) Шанба



Офарин!

Юртимизда иқтидорли ёшлар истаганча топилади. Андижонлик 11 ёшли Мафтунабону Тўхтасиновонинг спортнинг сузиш тури бўйича қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида газетамизнинг аввалги сонларидан бирида чиқиш қилгандик. У сузиш бўйича якунланган Ўзбекистон қишки чемпионати ва биринчилигида барча гуруҳларда қатнашиб, тўрт марта мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди, 200 метрга чалқанча усулда сузишда эса 2,25 дақиқа натижага эришиб, ўз тенги ёшлар ўртасида Ўзбекистон мутлақ рекордини ўрнатиб, спорт устаси талабини бажарганди.

Мафтунабону аввалги мулоқотда ўзига яратиб берилаётган имкониятлар учун халқаро майдонларда ҳам юртимиз байроғини баланд кўтаришга ваъда берганди. У сўзининг устидан чиқди. 18-19 март кунлари Германияда сузиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда терма жамоамизга тўртта олтин медаль туҳфа қилди.

МАФТУНАНИНГ ТЎРТТА ОЛТИНИ

Йигирма саккизинчи бор анъанавий ташкиллаштирилган мазкур халқаро турнирда дунёнинг 20 давлатидан минг нафардан ортиқ ёш спортчи иштирок этди. Мусобақада 11 нафар ҳамюртимиз ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Вакилларимиз 9 та олтин, 9 та кумуш ва 12 та бронза медаллари билан италиялик ёшлардан сўнг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўриндан жой олишди. Мафтунабону 200 метрга комплекс, 100 метрга батерфляй, 100 метрга чалқанча ва 100 метрга эркин усулда сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келиб, тўртта олтин медаль эгаси бўлди. Яна бир Андижон вилояти вакили Шоҳруҳ Юнусов 100 метрга чалқанча, 200 метрга комплекс усулда сузишда иккита олтин медални қўлга киритди. Навоий вилоятидан келган Пётр Ромашкин 100 метрга эркин, пойтахтлик Данил Коваль 100 метрга брасс, Ольга Гнедовская 100 метрга батерфляй усулда сузиш баҳсларида биттадан олтин медалларга сазовор бўлишди.

Ёшларимиз эришган бу муваффақият замирида Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор ётибди. Республикамизнинг турли бурчакларида, чекка-чекка қишлоқларида бир-биридан чиройли замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди. Сузувчиларимизнинг мусобақада муваффақиятли иштирок этишида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

— Мусобақада иштирок этишимизда жамғарма ва вилоят ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди, — дейди М. Тўхтасинова. — Насиб этса, келажакда жаҳон ва Осиё чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритиб, юртдошларим ишончини оқлайман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳатини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари" мавзуида семинар ташкил этилди. У мамлакатимизда солиқ маслаҳатчилиги институтининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари муҳокамасига бағишланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари С. Бекеновнинг иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқ маслаҳатининг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, парламентнинг қуйи палатасига кўриш учун тайёрланаётган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси миллий бизнес субъектларига, улар томонидан солиқ қонунчилиги талабларини бажаришда малакали ёрдам кўрсатиш орқали миллий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш ва унинг учун қулай муҳитни шакллантиришга ёрдам беради. Шу боис, тадбирда дунёнинг ривожланган мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий, молиявий ва бошқарувда ёрдам кўрсатиш дастаги сифатида мустақил профессионал солиқ маслаҳатчилигидан кенг фойдаланилаётганлиги таъкидланди. Демак, мазкур қонун қабул қилинса демократлаштириш жараёнининг асосий талабларидан бирини — тадбиркорлик, фуқаролик жамиятининг бошқа субъектлари, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини барпо этиш таъминланади.

Депутатлар "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳасидаги баъзи номутаносибликлар хусусида қизғин баҳслашдилар. Улар солиқ маслаҳатчиси мақомини қонун билан тартибга солишнинг ва унинг профессионал фаолиятига доир ўз таклиф ва амалий тавсияларини бердилар.

Зиёда АШУРОВА.



«Ташаббус-2006» ғолиблари

Аввал хабар қилганимиздек, кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринни учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ҳайъат аъзоларининг якуний хулосага келишлари осон кечгани йўқ. Чунки туман, шаҳар ва вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган номзодлар фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, уларнинг ҳар бири совринли ўринларга муносиб эканига амин бўласиз. Лекин танлов шартларига кўра, талабгорлардан яққол ғолиблик ҳар бир йўналиш бўйича фақат бир кишига насиб этиши керак эди. Шу боис ҳам уларни баҳолашда иштирокчининг белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бера олиши, фаолияти давомида янги иш ўринларини ташкил этгани, хорижий инвестицияларни жалб қилгани, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида самарали фаолият юритаётгани ва шу каби яна кўплаб жиҳатлар асосий мезон қилиб олинди. Унга кўра, Бухоро шаҳридаги "Шахбоз-Шаҳром" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева "Энг яхши тадбиркор", Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги етакчиси Мухтор Тўхтаниёзов "Энг яхши фермер", Шаҳрисабз туманилик Гулнора Одилова "Энг яхши ҳунарманд" дея эътироф этилди. Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринни — "Матиз" автомобиллари насиб этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Президент қарорини ўқиб

ҚЎРАСИДА ҚОРАМОЛИ БОР ОДАМ

энди зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар билан таъминланади

2005 йилнинг якунига кўра, республикамизда 6,5 миллион бошдан зиёд қорамоллар, 11,5 миллион бошдан кўпроқ қўй-эчкилар, 20 миллиондан ортиқ паррандалар мавжуд. Улар 2000 йилдаги ҳолат билан таққосланса, қорамоллар сони 17 фоизга, қўй-эчкилар 18 фоизга, паррандалар 30 фоизга кўпайгани аён бўлади. Муҳими, агар 2000 йилда 842 минг тонна гўшт, 3,6 миллион тонна сут етиштирилган бўлса, бултур ана шу кўрсаткичлар тегишлича 19 ва 18 фоизга ортганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хўш, бундай натижаларга қайси омиллар ҳисобига эришилаяпти?

Аввало, юртимизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга устуворлик берилмоқда, аҳолига қўшимча ер майдонлари ажратилаяпти, уларга давлат томонидан сезиларли ёрдам кўрсатилаётир. Бир мисол. Юртбошимизнинг топшириқларига биноан, ўтган йили биргина Фарғона водийси вилоятларида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг даромадларини кўпайтириш бўйича қабул қилинган дастурга кўра, Бандлик жамғармаси томонидан фақат чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 5,8 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу аслида Президентимизнинг «Чорвачилик ривожи янги иш жойлари очиш имконини беради, аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга» деган ҳаётбахш сўзларининг ёркин исботидир.

Лекин, афсуски, ҳамма жойда ҳам ушбу соҳада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Айтайлик, бугунги кунда шахсий томорқа хўжаликлари республикамизда етиштирилаётган жами гўштнинг 94 фоизини, сутнинг 97 фоизини етказиб бераётган бўлса-да, уларни зотдор, сермаҳсул қорамоллар, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш ишлари ҳаминқадар. Хўжаликларга зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатувчи инфратузилма тармоғи ҳам, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш учун микрокредитлаш тизими ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Устига устак, чорва молларини боқаётган кишиларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳанузгача ҳал этилмагани эса кўпчиликнинг мазкур соҳа билан шуғулланиш истаги рўёбга чиқишига тўсқинлик қиларди.

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Киевда Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчиси Илҳом Ҳайдаров Украина Президенти Виктор Ющенкога ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида В.Ющенко И.Ҳайдаровга янги лавозимдаги ишларига муваффақиятлар тилади ҳамда Ўзбекистон ва Украина ҳамкорлиги барча йўналишларда ривож топишига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА.

Дўстлик, шериклик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари

28 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бошланади. Икки давлат муносабатлари тарихидаги ушбу муҳим воқеа арафасида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берди.

— Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасини қандай баҳолайсиз?

— Даставвал, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик VII асрда бошланганини таъкидлаш лозим. Айнан шу даврда Кореянинг қадимги Когурё қироллиги ўз элчисини Сўғд давлатига ўзаро дипломатик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш мақсадида юборган. Ҳозирги кундаги ҳамкорлик тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан сўнг ўрнатилган. Шу пайтдан бошлаб ўзаро ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, сармоя жойлаштириш, маданият ва консуллик муносабатлари соҳаларида изчил ривожланмоқда. Бунга далил сифатида Ўзбекистон иқтисодиётидаги Корея сармоялари уму-

(Давоми 3-бетда).

Гулистон шаҳрида қисқа муддатда жаҳон андозалари талабларига мос, миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган янги вокзал биноси барпо этилди. Вокзал ҳудудидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

ГУЛИСТОННИНГ ЯНГИ ВОКЗАЛИ

Вокзалнинг очилишида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов, Гулистон шаҳар ҳокими И.Эрбеков ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунга темир йўл тизимини такомиллаштириш борасида эришилаётган ютуқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўтган икки йил давомида юртимизда ўнга яқин замонавий темир йўл вокзали қуриб битказилди. Қумқўрғон, Тошгузар, Бойсун, Деҳқонобод вокзаллари шулар жумласидандир. Тошкент темир йўл вокзали ҳам мутлақо янгича қиёфа касб этди. Эндиликда Гулистон вокзали ҳам улар қаторига қўшилди.

Бу ердаги оналар ва болалар ҳамда ногиронлар учун ташкил этилган алоҳида хоналарда, тиббиёт пункти, ошхона ва кутиш залида йўловчилар учун барча шароит яратилди. Замонавий ёритгичлар, ҳудудда амалга оширилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари янги вокзалга ўзгача чирой бағишлади. Перрон кенгайтирилиб, тўла қайта таъмирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов иштирок этди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Бевосита мулоқот

СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ ЭШИТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва унга тегишли қарорлари, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг янада аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжатларда асосий эътибор аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар сизни ушбу Фармон ва Қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёки умуман соҳага доир бошқа масалалар қизиқтирса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда уюштириладиган бевосита мулоқотда барча саволларингизга

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи Абдураҳмон АБДУВАЛИЕВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 12.00 гача 134-38-59, 144-47-28 телефонлари орқали ўтказилади.

Саволларингизни таҳририятнинг 136-36-65 телефони, 136-37-85 факси ёки info@xs.uz электрон почтаси, шунингдек, Агентликнинг avto_06@bk.ru электрон почтаси орқали олдиндан йўллашингиз ҳам мумкин.

Алишер АБДУХОЛИҚОВ олган суратлар.

Анжуман

Республика Марказий банкининг Наманган вилоят бошқармасида тадбиркор ва фермерлар билан амалий учрашув ташкил этилди.

Банк ва тадбиркор ҳамкорлиги

Мазкур тадбир мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ҳамда соҳа субъектларига банк хизматидан фойдаланишда яратилган имтиёз ва қулайликларни яна бир бор тушунтириш мақсадида уюштирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят банклари кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишда фаол қатнашишмоқда. Буни, айниқса, тадбиркорликни бошланғич сармоя билан таъминлаш ишларида кўриш мумкин. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига 13 миллиард 300 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 47 фоиз кўпдир. Ушбу сармоялар самараси қисқа фурсатда кўзга ташланиб, вилоят бўйича қўшимча равишда 9500 та иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, 713 нафар тадбиркор аёл молия муассасаларининг 695 миллион сўмлик имтиёзли кредити билан ўз бизнесини йўлга қўйиб олди.

Икки томонлама манфаатли масалаларни ўз ичига олган амалий учрашувда банк ва мижоз ҳамкорлигини янада кенгайтиришга доир истиқболли таклифлар ҳақида гап борди. Маҳаллий ҳокимликлар, банк, солиқ, адлия бошқармалари, савдо-саноат палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбар ҳамда мутахассислари йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚЎРАСИДА ҚОРАМОЛИ БОР ОДАМ

энди зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар билан таъминланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шулардан келиб чиқиб, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ўз вақтида қабул қилинди. Чунки бу ҳужжат аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, биринчи галда, қорамолларни парваришлаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратишни кўзда тутади. Булар нималардан иборат?

Мисол учун, сиз чорвачилик билан шуғулланиб, рўзғорингизга барака киритишни хоҳлайсиз. Аммо «Иш стажим нима бўлади? Қариганимда пенсия ололмасам, куним қандай кечади?» деган ўй қўлингизни боғлаб турибди. Мана энди, дўстим, ҳуда-беҳуда ҳадикларни йиғиштириб қўйиб, енг шимариб ишга киришнинг пайти келди. Қарорга мувофиқ, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, аввало, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан эркин фойдаланадилар, қолаверса, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритиладилар. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан эса, уларга пенсия олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Фақат бир нарсани унутманг. Қорамолларни парваришлаётган жисмоний шахсларга пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирдагина ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, Қарор билан «2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда, қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури» ҳам маъқулланди. Бу дастурга кўра, шу мақсадда барча минтақаларда зооветеринария ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғи кенгайтирилиб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали зотли молларни сотиш йўлга қўйилади. Дастурнинг ижросини таъминлаш учун шахсий масъулият эса қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юкланади. Аниқроғи, Дастурнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари мажлисларида кўриб чиқилади.

Қарорда, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталарининг кафиллиги остида тижорат банклари томонидан имтиёзли ва мақсадли микрокредитлар ажратиш ҳам белгиланган. Бу эса нияти бор-у, лекин қорамоллар харид қилиш учун қўли қисқалик қилувчи кишиларга айни муддаодир.

Гап чорва моллари боқувчиларга зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиш ҳақида кетаркан, қишлоқ жойларда яшовчи эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар, энг аввало, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилалар ҳам алоҳида ҳисобга олингани, айниқса, диққатга сазовор. Яъни уларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 оилани қамраб олган ҳолда, ҳомийлар, шунингдек, нодавлат хайрия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли орқали мурувват ёрдами кўрсатилади. Бунинг учун, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига биноан, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қарорда жойларда Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддат ичида қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Шу ўринда айримлар «Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак» деганларидек, мана, қорамолни ҳам сотиб олдик, энди уни нима билан боқамиз?» деб сўрашлари мумкин. Бу масала ҳам Қарорда эътиборга олинган. Масалан, тегишли идоралар иштирокида дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ем, шу жумладан, шартномалар бўйича фермер хўжаликларидан харид қилинадиган дондан тайёрланадиган омухта емни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари бемалол олишини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида ихтисослаштирилган савдо шохобчалари ташкил этилиб, уларга зарур омборхоналар берилади.

Ва, ниҳоят, Қарорда таъкидланганидек, 2010 йилгача бўлган даврда наслчиликка ихтисослашган корхоналар ва хўжаликлар наслчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикамизга олиб келинадиган материаллар, технология ва ускуналарга бож тўловларидан озод қилинадилар (Божхона расмийлаштируви йиғинлари бундан мустасно).

— Мен Қарорни бандма-банд ўқиб чиқдим, — деди фарғоналик кўп болали оила бошлиғи Аъзам Абдусатторов таҳририятга кўнгироқ қилиб. — Чорва моллари боқувчи ҳар бир хўжалик, ҳар бир одам зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитга эга бўлишини биз анчадан буён орзу қилардик. Бугунги кунга келиб, шу орзумиз ҳам ушаляпти. Бунинг учун оила аъзоларимиз билан бирга Президентимизни дуо қиламиз!

Кўпчилик бундай манфаатдорликдан ўз миннатдорчилигини изҳор этмоқда. Шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, мамлакатимизда чорва қанча ривожланса, қишлоқ аҳолиси шунчалик кўпроқ иш билан таъминланади, уларнинг даромади кўпаяди, охир-оқибатда эса ички истеъмол бозоримиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл бўлади. Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири ҳам шудир.

Икром ЎТБОСАРОВ.

Мониторинг ва ислоҳотлар самарадорлиги

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш Концепцияси»га мувофиқ ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, мутахассислар ҳамда талабалар қатнашган ушбу анжуманда амалдаги қонунлар мониторинги тушунчаси, турлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, асосий йўналишлари, босқичлари, объект ва субъектлари тўғрисида сўз юритилди. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари мониторингининг ҳозирги ҳолатига тўхталиб ўтилди.

Семинар натижалари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, анжуманда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашда қонун ҳужжатлари мониторинги имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини муҳокама қилди. Йиғилишда ушбу қарорнинг бажарилиши бўйича асосий натижалар кўриб чиқилди, вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаолияти таҳлил қилинди. "Ўзинфоком" маркази томонидан Интернет тармоғида давлатимиз ҳаётининг турли томонларини ёритишга бағишланган қатор ахборот порталлари ва веб-сайтлар ишлаб чиқилди.

Айрим вазирлик ва идораларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида белгиланган мақсадли йўналишларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига кўра ишлаб чиқилган таълим ресурслари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат сайтлари ҳамда порталлари каби ахборот ресурслари, шунингдек, энциклопедия ва бошқа ресурслар масъул вазирлик ва идораларга уларни келгусида қўллаб-қувватлаш ҳамда мунтазам янгилаш учун топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари корпоратив тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторинги натижалари таҳлил қилинди. Барча вазирликлар бўйича ўтказилган таҳлил уларнинг ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги ишларида ягона ёндашув йўқлигини кўрсатди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига ўзларининг ахборот-коммуникация тизимлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олдиндан чора кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи гуруҳларининг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга оид қўшимча чоралар қабул қилинди.

(ЎзА).

Қўшхабар

Тажриба алмашишди

Тобора кенг қамров касб этаётган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари деҳқончилик борасида ҳам кенг миқёс касб этмоқда. Яқинда бир гуруҳ қорақалпоғистонлик олимлар Ҳиндистоннинг Деҳли, Панжоб вилоятларида бўлиб, ҳиндларнинг бошоқли ва дуккакли дон етиштириш тажрибаси билан танишган эди. Шу кунларда САНИИРИнинг Қорақалпоғистон филиали директори, техника фанлари доктори Е. Қурбонбоев бошчилигидаги гуруҳ экинларда ҳинд деҳқонлари технологиясини синаб кўришга ҳозирлик кўрмоқда.

Сазан кўпаймоқда

Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» балиқчилик хўжалиги айни кунда масъулияти чекланган жамият мақомини олиб, 10 йил муддатга ижарага олинган «Жилтирбос» кўлида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили жамият истеъмолчиларга 1300 центнер балиқ етказиб бериб, унинг асосий қисмини сазан ташкил этган, 49 миллион сўм даромад олган эди. Айни кунда жамоа етти хазинанинг бири ҳисобланган балиқчиликни ривожлантириб, ойига овланган балиқ миқдорини 10 тоннадан оширмоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Афинадан эсдалик нишонлари билан

Афинада кўриш қобилияти суст бўлган болалар расмларининг еттинчи Халқаро кўргазмаси очилди. У Халқаро болалар расмлари кўргазмаси маркази ҳамда Греция Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Мазкур халқаро кўргазмага дунёнинг 13 мамлакати — Болгария, Германия, Голландия, Греция, Дания, Исроил, Эрон, Испания, Янги Зеландия, Польша, Сурия, Япония ва Ўзбекистон ёш рассомларининг ижод намуналари қўйилган.

Мамалакатимизнинг уч нафар вакили, «СанВикт» ногирон болаларнинг Тошкент бадиий маркази ёш ижодкорлари — Гавҳар Абдуазимова, Гулчеҳра Худоёрова ҳамда Бобур Мадумаров ижоди Афина халқаро кўргазмасининг дипломи ва эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

«Жаҳон» АА.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

ёки Фарғона вилояти хўжалик судида шошма-шошарлик билан чиқарилаётган қарорлар хусусида

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида «Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар-қонунлар, жиноий жазолар тизимини судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисида фармонлар қабул қилинмоқда» деб алоҳида таъкидладилар.

Табиийки, бу судьялар зиммасига катта масъулият юклайди. Тўғри, янгиланган шароитда уларнинг иш ҳажми бир неча баравар кўпайди. Лекин бу инсон тақдири, у ёки бу хўжалик субъектининг фаолиятини остин-устун қилиб юборишга, бир томонлама қарор қабул қилишга ҳуқуқ бермайди.

Фарғона вилоят хўжалик суди янги, барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчиб ўтди. Судьялар энди тарқоқ, эски биноларда эмас, балки шинам хоналарда меҳнат қилишади. Лекин қўшни хонадаги судья қабул қилган қарорни орадан бир ой ўтиб-ўтмай иккинчиси инкор қилиб турса, нима дейсиз? Эҳтимол, уларнинг иш тартиби, судни олиб бориш услублари турлича бўлиши мумкин. Қандай бўлмасин, пировардида судьялар фақат қонун талабларига суянишади-ку?!

Ўтган йилнинг ўрталарида Қўқон шаҳар солиқ идораси вилоят хўжалик судига ариза бериб, шаҳардаги «Пуре Минт» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этишини сўраган. Хўжалик судининг 2005 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра мазкур фирма банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш учун рухсат берилган. Октябрь ойининг охирларида тугатишга доир иш натижалари яна судга тақдим этилган, суд 31 октябрда ажрим чиқарган. Шундай қилиб, хусусий фирма Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига биноан «банкрот» деб топилган.

Афсуски, иш шу билан тугамади. Вилоят хўжалик суди орадан бир ой ўтиб, масалага яна қайтади. Энди корхона раҳбарларига мазкур фирманинг банкротлигини яширишга ҳаракат қилганлиги ҳамда унга кўмаклашган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 181-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Қонунга кўра, хўжалик суди шундай қарор чиқаришга ҳақли. Негаки, кўрсатилган моддада хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан тўловга қодирлигини йўқотганлиги ёки иқтисодий ночорлигини қасддан яшириш оқибатида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши банкротликнинг яширин жиноятлари аломатлари ҳисобланади. Агар худди шу ҳолатлар қайд этилган бўлса, хусусий фирма мансабдор шахсларига нисбатан таъсир чоралари кўрилган бўлур эди. Фарғона вилоят прокуратураси фирма мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 181-моддасида кўрсатилган ҳолатлар йўқлигини аниқлади. Чунончи, суд мазкур фирманинг банкротлик иши муҳокамасида фирма мансабдор шахслари иқтисодий ночорликни қасддан яширган деб кўрсатиб ўтган бўлса-да, бу ҳолат етарли далилларсиз, айнан жавобгар мансабдор шахсларни судга жалб қилмай, улардан тушунтириш олмаган ҳолда, энг муҳими, қайси ҳолатда банкротликни қасддан яширганлигига аниқлик киритилмасдан хулоса чиқарган.

Бундан ташқари, суд жараёнида ўша модда талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий фирма қайси хўжалик юритувчи субъектларга қандай, қай тарзда нотўғри, қалбаки ҳужжатлар тақдим қилганлиги аниқланмаган. Иш материалларида фирма бирорта хўжалик юритувчи субъектига ўзининг ночорлигини яширадиган ҳужжатлар тақдим қилмаганлиги аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Фирманинг асосий қарздорлиги молиявий жарима ҳисобига кўпайиб кетган. Аслида бу қарз банкротликни яшириш туфайли келиб чиқмаган. Демак, фирма мансабдор шахсларига нисбатан молиявий жаримани ёки зарарни қасддан тўламаслик учун бакротликни яширган, деб айб қўйиш мантиққа зид.

Энг қизиғи, шошма-шошарлик билан хулоса бераётган судья А. Мансуров республика Олий хўжалик судининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хўжалик судларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармонида назарда тутилган «Мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иш қўзғатиш ҳақида»ги хўжалик судининг ваколати, Хўжалик Процессуал Кодексининг 152-моддаси тартибида амалда оширилиши, яъни, хўжалик судининг жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрими, ҳар қандай суд актлари каби суд мажлисида тўлиқ текширилган ҳолатлар асосида қабул қилиниши лозимлиги, судлар хўжалик низоларини кўриб чиқишда корхоналар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишининг бузилиши, уларни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келган барча ҳолатларни аниқланиши лозимлигини ҳам негадир унутган ёки Олий хўжалик суди пленумининг бу қарорини атайлаб ҳисобга олмаган. Бу шошма-шошарлик эса суд қарорлари талабларини қўпол равишда бузиб, масала моҳиятини тўлиқ англамасдан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажрим чиқаришга олиб келган.

Яхшиямки, вилоят прокуратураси бу хатони ўз вақтида илғаб олди ва аппеляция протести киритди. Энди хўжалик суди раисининг ўринбосари М. Обидов раислигидаги ҳайъат ўзлари билан бир бинода ишлайдиган судья А. Мансуровнинг хатосини тўғрилаш учун тўпланишди. Шу йилнинг 1 февраль куни Фарғона вилоят хўжалик судининг 2005 йил 28 ноябрдаги «Пуре Минт» хусусий фирмасига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги ажрими бекор қилинди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Агар вилоят хўжалик судининг судьяси А. Мансуров биринчи суд инстанциясида масалани етарли ўрганиб, қарор чиқарганида, бу иш салкам тўрт ойга чўзилмас, қанчадан-қанча кишилар Қўқон билан Фарғона шаҳарлари ўртасида оворааю сарсон бўлиб юрмас эди.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-моддаси 2-қисмида «Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»лиги кўрсатиб ўтилган. Ҳеч ким яхши ният билан тузган, бунёд этган корхонам, фирмам, ташкилотим инқирозга юз тутсин, банкрот бўлсин демайди. Амалда бозор иқтисодиёти қонунларини яхши билмаслик, давлат томонидан берилган кредитларни ишлатолмаслик туфайли хўжалик субъекти банкротликка юз тутади. Уларни банкрот деб топишнинг ўзи битта чора. Агар бу чорадан, балки жазодан сўнг яна фирманинг фаолияти тўлиқ ўрганилмай Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 181-моддасига кўра баҳоланса, бу битта иш учун иккинчи марта жавобгарликка тортиш эмасми?!

Афсуски, масалани етарли ўрганмай қарор қабул қилиш Фарғона вилоят хўжалик суди фаолиятидаги якка-ёлғиз ҳолат эмас. Вилоят прокуратурасининг аппеляция протести билан фақат 2006 йилнинг ўзида 5 та аппеляция протестлари қаноатлантирилди. Вилоят прокуратурасининг қаноатлантирилган протестларининг айримларини кўздан кечириб, наҳотки бу ишларни олий маълумотли, яна вилоят хўжалик судининг муҳтарам судьялари чиқарган, деб ўйлаб қоласан. «Греат Силк Роад» маъсулияти чекланган жамияти солиқ, бюджетдан ташқари жамғармалар ва устама жаримадан ҳосил бўлган 130 миллион сўм маблағни тўламагани учун фирма раҳбари Р. Тошматовга нисбатан 2005 йил 28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181-моддаси билан иш қўзғатилаяпти. Ҳолбуки бу маблағнинг 125 миллион 368 минг сўми Бувайда туман судининг 2005 йил 14 январь кунги ҳукми билан ундирилган экан. «Тибет Вест» хусусий фирмаси эса 260 миллион 980 минг сўм катта миқдорда қарздорлиги учун жазога тортилган. Ҳолбуки фирманинг 25 миллион 553 сўм, боқимандалик қарзи аппеляция қарорида таъкидланганидек, арифметик хатоликка йўл қўйилиб, 255 миллион 530 минг сўмга айланиб, қолган. Бу «хатоликка» 5 миллион 450 минг сўм устама жарима қўшилиб, 260 миллион 980 минг сўм қалбаки қарздорлик келиб чиққан. Бу хато ҳам прокуратура органлари томонидан тўғриланди.

Бу фактлар хўжалик судларини муҳим ишларга енгил-елпи, шошма-шошарлик билан ёндошганлигини кўрсатмайдими? Ҳозир хўжалик суди томонидан жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги мунозарали 29 та аппеляция протести эса Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатига тақдим этилди.

Биз банкротликка юз тутган фирмаларни оқлаш фикридан йироқмиз. Албатта, ҳар ким қилмишига яраша жазо олиши лозим. Лекин ишга енгил-елпи ёндошиб, далил-исботларсиз бир варакайига бир неча ишни кўриб, бир хил қарор чиқаравериш ҳам адолат тамойилларига тўғри келмайди-да. Ўйлаймизки, республика Олий хўжалик суди Фарғона вилоятида давом этиб келаётган бундай ҳолатларга холисона баҳосини беради.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Тошкентдаги "Миллий фарфор" масъулияти чекланган жамияти 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан чинни буюмларга ишлов бериш ва аҳолини тайёр истеъмол молларига бўлган талабини қондириш билан шуғулланиб келади. Ўзига хос миллий услубда безак берилган корхона маҳсулотлари анча харидоргир ҳисобланади. Шу боис ҳам ишлаб чиқариш суръатини йилдан-йилга ошириш имкони туғилмоқда. Бу ерда меҳнат қилувчиларининг асосий қисми ёшлардан иборат. Сиз суратда кўриб турган рассом Нилуфархон Аҳмедова ҳам шулардан бири. У ҳамкасблари қатори эришилаётган муваффақиятларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Дўстлик, шериклик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

мий ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этганини айтиш мумкин. Бу эса бизга республикангизнинг биринчи даражали сармоядорлари мақомини берди. Шу ўринда «ЎзДЭУ Авто», «Ўзбек Кабул Со.», «Шиндонг» ва бошқа кўплаб компанияларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, биз Ўзбекистондаги ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари бозорини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Корея Ўзбекистонга EDCF (Иқтисодий ривожлантириш ҳамкорлиги жамғармаси) дастури доирасида 77 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди ва айни пайтда 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни республика таълим муассасаларини жиҳозлаш лойиҳаси доирасида ажратишни режалаштирмоқда. Шу билан бирга KOICA агентлиги, Хорижий таълим маркази, Кореянинг бошқа таълим муассасалари ўзбек талаба ва мутахассисларига Корея Республикасида ўтказилаётган семинар ва таълим дастурларида иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ҳозир Ўзбекистоннинг 16 мингга яқин фуқароси Кореянинг технологик ривожланиш ва тадбиркорлик соҳаларидаги тажрибасини ўрганмоқдалар.

МДҲ мамлакатлари ўртасида савдо ҳажми бўйича тўртинчи ҳамкор мақомини эгаллаб келаётган Ўзбекистон Корея Республикаси учун муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда Корея Республикаси мамлакатингиз ҳамкорлари сафидан бешинчи ўринни эгаллайди, икки томонлама товар айирбошлаш умумий ҳажми эса 520 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Шу кунларда Ўзбекистонда 138 қўшма корхона ва 37 Корея компаниялари ваколатхоналари мавжуд. Икки мамлакат ўртасида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Корея товарлари маиший электрон жиҳозлар ишлаб чиқариш бозорида маҳсулот умумий ҳажмининг 80%ни ташкил этади.

Сўнгги пайтларда икки томонлама савдо кўламининг барқарор ўсиши кузатилаётганини таъкидлашни истардим. Масалан, 2002 йилда у 280 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили 14 фоизга ошиб 326 млн. долларга етди, 2004 йилда эса 34 фоизга ўсди ва унинг миқдори 437 млн. долларни ташкил этди. Ўтган 2005 йилда 520 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот айирбошлашга борга олган ҳолда, биз энергетика ва захиралар соҳасини икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналиши деб ҳисоблаймиз. Жанубий Корея технологияси ва молиявий салоҳиятини Ўзбекистоннинг табиий захираси ва ишчи кучлари билан уйғунлаштирса икки томонлама ҳамкорликнинг барқарор тараққиётига ва унинг янги сифатли даражасига ўтишига хизмат қилади.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз савдо ва саргиришдик.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўз борганда, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи Корея маданиятини, хусусан, «Қиш сонатаси» ва бошқа телесериалларимиз орқали севиб улгурди. Бизнинг халқларимиз ушбу фильмлар қаҳрамонлари кечинмаларини биргаликда ҳис қилишади, бу эса халқларимиз ҳис-туйғулари муштараклигидан далолат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ҳаракатга келтириш ва ўзаро яхши тушунишда муҳим ўрин тутаётган 200 мингдан зиёд корейс миллати диаспораси яшайди.

— Сизнинг фикрингизча, ҳамкорликнинг қайси йўналишлари янада муҳимроқ ва истиқболлироқ ҳисобланади?

— Сўнгги йилларда Корея Республикаси ҳукумати захиралар ва энергетика дипломатиясига алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистоннинг уран, олтин, кумуш, нефть, газ ва бошқа табиий захираларини эътиромоялар жойлаштириш соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни сафарбар қилмоқда. Давлатларимиз саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали Шимолий-Шарқий Осиё, Россия ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўтайди, бу эса иқтисодиётимизга ижобий таъсир этиш баробарида бутун дунё иқтисодиёти ривожига ҳам сезиларли ҳиссасини қўшади.

Автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхоналар барпо этиш давом эттирилади. Корея Республикаси нафақат автомобилсозлик ва тўқимачилик саноатида икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириш, балки замонавий юқори технологиялар воситасида ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларни татбиқ этишга қатъий бел боғлаган.

— Жанубий Корея томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига ташрифидан нималарни кутмоқда, Сеулда бўлиб ўтадиган икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида қандай масалалар муҳокама қилинади?

— 2005 йил майида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келган. Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, маданий, ижтимоий соҳаларидаги ривожланишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига бўлажак ташрифи стратегик шериклигимиз ва ҳар томонлама ҳамкорлигимизни узоқ йиллар давомида янада мустаҳкамлайди.

Икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида турли ўзаро манфаатли, хусусан, маданий алмашув соҳасидаги ҳамкорлик, аҳоли бандлиги, захиралар ва энергетикага оид масалалар юзасидан фикр алмашиш ва стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма ҳужжатни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон бизнес-доиралари вакилларининг кўп сонли ҳайъати Корея Республикасининг энг нуфузли ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган компания ва корпорациялари, хусусан «Hyndai group», LG, «Samsung», пўлат қуювчи POSCO концерни раҳбарлари билан учрашиш, фойдали ва истиқболли шартномалар тузиш ҳамда Жанубий Корея бизнеси вакиллари билан мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига бўлажак ташрифи мавжуд дўстлик, шериклик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини жадаллик билан ривожлантиришга шароит яратиб, мамлакатларимизга икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очишга имкон яратади.

«Жаҳон» АА.

Япон тасвирий санъати намойиши

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида "Японияни замонавий плакатлар орқали англа" деган кўргазма очилди. Япония маданиятини хорижда тарғиб қилувчи фонд томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада Масутеру Аоба, Катсуми Асаба, Кийоши Аҳмора, Тошине Ишиҳама, Коичи Сато, Козумаса Нагаи сингари нафақат кунчиқар мамлакатда, балки дунёда ўз асарлари билан танилган мусаввирларнинг 75 та асари намойиш этилаётир.

Кўргазмадан ўрин олган санъат асарлари замонавий япон тасвирий ва графика санъатининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Жумладан, "Ҳаракат", "Экология", "Асраш" каби суратларда инсон ҳаёти, она табиат тасвирланса, "Соя шулъаси", "Шаклдаги сўзлар", "Ботиндаги қизиллар" сингари тасвирий асарларда мусаввирларнинг фалсафий мушоҳадалари акс этган.

Қ. ХИДИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан 2006 йил 24 мартдан «ШИФОКОР» муддатли банк омонати очилишини эълон қилади.

- Омонатнинг минимал миқдори — ***50 000 (эллик минг) сўм.***
- Депозит муддати — ***6 ой.***
- Фоиз ставкаси — ***йилига 28%.***

Омонатлар Миллий банкнинг бўлим ва филиалларида тиббиёт ходимларидан ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг хизмат кўрсатувчи ходимларидан қабул қилинмоқда.

Омонатни очиш чоғида омонатчи иш жойидан берилган ўзининг соғлиқни сақлаш соҳасига тааллуқлилигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этиши шарт.

Бир ажойиб давра бўлди



Халқимиз азал-азалдан бағри кенг, қўли очиқ, меҳри дарёдир. 2006 йилнинг юртимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши замирида катта маъно мужассам. Мана, ўлкамизда баҳор кезиб, Наврўз тантаналари давом этмоқда. Бу айём ҳомийларимизни янада тантиликка чорламоқда.

Куни кеча Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази яна бир хайрли ишга қўл урди. Улар ташаббуси билан Қибрай туманида ажойиб маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга Қибрай туман Наврўз, Ялангоч ота маҳаллалари фуқаролари ҳамда Тошкент тумани Наврўз маҳалласи фаоллари таклиф этилдилар. Бу марказ жорий йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, ногирон хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштириш, уларни фаол ҳаётга жалб қилиш, қишлоқ хотин-қизларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди.

Бу ишларни бажаришда, тадбирларни ўтказишда «Ўзбекагротранссервис» МЧЖ уларга ҳомийлик қилиб келмоқда. «Наврўзи олам муборак» деб номланган ушбу тадбир сўнгида қарилик гаштини сураётган онахону отахонлар, кам таъминланган оилалар ҳамда ўғил-қизларга Қибрай тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Тошкент вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

— Аёл кўнгли ҳамиша эътиборга, меҳрга эҳтиёжманд бўлади, — дейди Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази раиси Нодира Акрамова. — Марказимиз айнан ушбу вазифани бажаради. Зеро, аёллар оиланинг, жамиятнинг кўрки-ю таянчидир.

М. ЁҚУБОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортига оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг

www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- **Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.**
- **Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалиқ ҳалқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.**
- **Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.**
- **Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.**
- **Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.**
- **Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.**
- **Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.**
- **Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.**
- **Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.**
- **Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.**
- **Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.**
- **Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.**
- **Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқа» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.**
- **Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

MS Consult — ISO 9001

Ўзбекистонда ISO 9001:2000 бўйича халқаро сертификатига эга бўлган ягона консалтинг компанияси

- ISO 9001:2000 халқаро стандарт бўйича Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича консультация ўтказади.
- Қуйидаги тренинг-курсларга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
  - "ISO 9001:2000 бўйича Сифат бошқаруви тизими менежери"
  - "ISO 9001:2000 бўйича Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқариш"
  - "ISO 9001:2000 Сифат менежменти тизими бўйича ички аудитор"
  - "ISO/TS 16949:2002 бўйича автомобиль саноати учун Сифат менежменти тизими"
  - "ISO 1400:2001 бўйича Экологик менежмент тизими"
  - "OHSAS 18001 бўйича касбий соғлиқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик тизими"

Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 120-55-35, 133-32-60, (998 97) 111-07-49.
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
web site: www.ms-consult.uz

Республика акционерлик-тижорат банки "Ғаллабанк"

G'ALLABANK

мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларини кириб келган баҳорий айём — Наврўз байрами билан муборакбод этади ва "Binafsha" деб номланган жозибали муддатли омонатидан фойдаланишни таклиф қилади.

Мазкур омонатга маблағлар жорий йилнинг 22-31 март кунлари 2 ой муддатга энг камида 200 000 сўм миқдорида маблағлар қабул қилинади ва йиллик 28,0 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Шунинг билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қилади:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1 000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади; агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
«Имконият»	6 ой	18,0	10 000	Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади
«Саломатлик»	11 ой	19,8	10 000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади
«Нафақа-мададкор»	1 йил	18,0	10 000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади
«Ishonch»	3 ойдан 3 йилгача	18,0-20,4	10 000 дан 5 000 000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади
«Luks»	3 ойдан 3 йилгача	18,6-21,0	5 000 000 дан 10 000 000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади
«Kafolat»	3 ойдан 3 йилгача	19,2-21,6	10 000 000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади
«Меҳригиё»	18 ёшгача	15,6	10 000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади
«Kelajak»	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10 000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йил якунида тўланади
«Коммунал омонати»	3 ой ва ундан юқори	21,6	100 000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!
Мурожаат учун тел.:
136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72.

Шунингдек, вилоят ва туман(шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2006 йилда қуриладиган қуйидаги иншоот бўйича танлов савдолари эълон қилади:

Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Катта Моғол қишлоғида агросаноат йўналишидаги 540 ўринли касб-хунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
Буюртмачининг бошланғич нархи ҚҚС билан — 1 677 034 421 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2006 йил 30 ноябрь.

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.
Телефонлар: (8-369) 226-63-03, 233-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй** (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.

КОСОНСОЙ НЕЧА ЁШДА?

Мазкур саволга аниқлик киритиш нафақат косонсойликларни, балки мутахассисларни ҳам кўпдан буён қизиқтириб келади. Негаки, бу ердаги харобалар қадимги халқларнинг хўжалиги, турмуши ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Илмий изланишларини гўзал Фарғона водийсига, унинг асосий бўлган қадимий Даван давлати ҳаётига бағишлаган Санкт-петербурглик машҳур олим, тарих фанлари доктори Юрий Заднепровский бу ҳақда шундай дейди:.

— Бизгача етиб келган ёзма манбаларга кўра, Косонсой шаҳри тарихи 2000 йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Эрамизнинг, тахминан, IV-V асрларида Косонсой Фарғонадаги Даван давлатининг маркази бўлган. Кейинчалик уни турк ҳукмдорлари эгаллаб олган бўлса-да, шаҳар йирик иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, Буюк ипак йўлидаги бу гўшада ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, деҳқончилик янада тараққий этган. X-XII асрларда шаҳарда "Косон" ёзуви билан пул зарб қилинадиган корхона бўлган. Бобур асарларида бир неча бор таъкидлаганидек, ўзбек халқи тарихининг муҳим босқичи қадимги Косонсой шаҳри билан боғланган.

Мустақиллик шарофати билан бу кўҳна шаҳарнинг ёшини аниқлаш юзасидан ҳаракатлар янгидан бошлаб юборилди. Туман ҳокимлиги атоқли олимлар бошлаган хайрли ишни ниҳоясига етказиш учун Ўзбекистон археология институтига мурожаат қилди. Институтдан хабар беришларича, тарих фанлари номзоди Абдулҳамид Анорбоев бошчилигидаги экспедиция жорий йил ёзидан ишга киришадиган бўлди. Туман ҳудудидан топилган ашёларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, тарихий қўлёзма манбаларини қидириш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

— Биз бу ишга кенг жамоатчиликни, биринчи навбатда олимларни жалб қилмоқдамиз, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромжон Каримов. — Республикамизнинг етук илм-фан намояндалари бизнинг ҳаракатимизга бажонидил қўшилмоқдалар. Масалан, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов хорижлик олимларнинг Косонсой тарихига оид асарларини Эрон кутубхоналаридан бирида ўқиб, тегишли ўринларини белгилаб қўйгани ва бунга қайта мурожаат қилажагини билдирди.

Хуллас, дастлабки қадамлар яхши кетаяпти. Келгусида тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, обод қилиш, харобалар ўрнида очиқ музей барпо этиш режалаштирилган. Демак, кўплаб тарихий обидалар юз очади, пировардида, Косонсой нафақат юртимиз аҳли, балки хорижлик сайёҳлар ҳам қизиқиб томоша қиладиган манзилгоҳга айланса ажаб эмас.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси

2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга кўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

"HUQUQIY MADAD" адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент кутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Аввал ҳушини йўқотди, кейин...

Андижон туманидаги Абдулҳамид Чўлпон номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи «Андижонсой» каналидан юз қисмида жароҳати бор эркак кишининг жасади топилди.

Текширувлар натижасида марҳумнинг шахси аниқланди. У Андижон шаҳрида яшовчи 26 ёшли М. Мирзараҳимов экан. Терговда маълум бўлишича, М. Мирзараҳимов Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи таниши О.нинг уйида бўлиб, мезбоннинг турмуш ўртоғи ва икки нафар қайинукаси билан бирга гиёҳванд моддаси истеъмол қилишади. Оқибатда оғу таъсирида шу ерда ҳушини йўқотади. Жавобгарликдан кўрқиб кетган кашандалар жиноят изларини йўқотиш мақсадида уни каналга ташлаб юборишади.

Зўравон йўловчи

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи А. 27 ёшида иккинчи бор жиноятга қўл урди. У Чилонзор туманида А. Чинтошев бошқарувидаги «Матиз» автомашинасига йўловчи сифатида ўтириб, Сирғалига олиб бориб қўйишини илтимос қилди. Манзилга етиб келгач эса, ҳайдовчига ташланиб бўға бошлади. Жабрланувчидан пул ва автомашинани беришни талаб қилди. А. Чинтошев фаол қаршилик кўрсатгандан сўнг қочиб кетди. Бироқ, орган ходимлари уни тезда қўлга олишди.

Термизлик оғуфуруш

Чилонзор туманида ИИБ ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилаётганда О. жиноят устида ушланди. У 1 кило 41,73 грамм героинни 30.000 АҚШ долларига сотаётганди.

Ўғри топилди

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида яшовчи Г. ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, номаълум шахслар унинг «Нексия» автомашинасини ўғирлаб кетганини билдирди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғри топилди. У 24 ёшли А. бўлиб чиқди.

Тошкентлик хусусий тадбиркор Г.нинг уйига калит танлаш йўли билан кирган номаълум кимса эса 7.000.000 сўм пулни ўғирлаб кетди. Тезкор қидирув натижасида ўғри аниқланиб ушланди. Учтепа туманида яшовчи 18 ёшли А. эндиликда ўз қилмиши учун жавоб бермоқда.

Ўз фарзандининг қотили

75 ёшни қоралаган бувайдалик Ў. уйидаги ўзаро жанжал оқибатида маст ҳолдаги 23 ёшли ўғлини бўғиб ўлдириб қўйди.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини бундан йигирма йил аввал битирган талабаларнинг кўҳна шаҳардаги учрашуви жуда ҳаяжонли кечди. Собиқ талабалар қадрдон институтда бўлишиб, устозларини зиёрат қилишди. Ўқув юртига қарашли клиникалардаги янгиликлар, ўзгаришлар билан танишишди.

Қадрдонлар дийдорлашуви

Ҳаммасидан ҳам институтнинг мажлислар залида ўтказилган учрашув эсда қоларли бўлди. Унда устозу шогирдлар замонавий тиббиётнинг аҳоли саломатлиги йўлидаги ўрни, мамлакатимизда бу борада яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ҳақида гапиришди.

Дийдорлашувга ташриф буюрган собиқ талабалар ўртасида узоқ Қорақалпоғистону Сурхондарёдан, қўшни мамлакатлар Қозоғистону Россиядан келган вакиллар бор эди. Уларнинг барчаси кўҳна Самарқанднинг мустақиллик даврида бутунлай янги қиёфа очганини, бундай учрашувлар фақат дўстликка, эзгуликка, устозу шогирдлар ўртасидаги меҳр ришталарининг янада кучлироқ боғланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРЗАНДИНГИЗ ДУРКУН ЎССИН...

«Биз, одатда, касаллик деганда, жисмоний носоғломликни тушунамиз. Бемор одам касаллик оқибатида ҳам руҳан, ҳам жисман қийналади. Яқинларининг минг бир ҳадик ила теграсида гирён туриши уни хижолатга солади. Борди-ю, кўзингизнинг оқу қораси — фарзандингиз оғриб қолса-чи?

Яқинда фарзандимнинг ўнг қўли аввал қичишиб, сўнгра йириндаб кетди. Бормаган жойимиз қолмади. Боламнинг жонига малҳам бўлолмаётганимдан жуда эзилдим.

Хайрият, боламнинг жонига Тошкент Педиатрия институти шифокори Қаҳрамон Ҳайитов оро кирди. Билимли, айни дамда хушмуомала бу шифокор қизалоғимнинг дардини ўн беш кунга қолдирмай фориғ этди. Мана шундай оққўнгил, дардга малҳам шифокорларнинг борига шукр.

Ойсара НУРАЛИЕВА".

Шифокор маслаҳати

Миннатдорчилик маъносида йўлланган ушбу хат туфайли, аллерголог шифокор билан танишиш истаги туғилди. Тошкент Педиатрия институти Тери ва таносил касалликлари кафедраси доценти Қаҳрамон Ҳайитовдан болалар орасида тез-тез учраётган тери-таносил касалликлари ҳақида маълумот олдик.

— Кейинги пайтларда кўпчилик бизга аллергик дерматит, вирусли, йирингли, замбуруғли касалликлар билан мурожаат қилмоқда, — дейди Қ. Ҳайитов. — Бу касалликларга ирсий омиллар, ошқозон-ичак касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилиши сабаб бўлиши билан бирга ўзимизга боғлиқ томонлари ҳам бор. Тери касалликларини асосан экология, сунъий моддалар, масалан, кир ювиш воситалари, рангли ичимлик, ҳар хил аллергик озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб чиқаради. Шунингдек, болаларимизнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида ҳам тери касалликларининг юқумли турлари кўпаяди.

— Халқ орасида витилиго (оқ доғлар) касаллиги ҳақида гап кетганда, кўп ҳолларда ваҳимага бериламиз. Унинг наслдан-наслга ўтиш хавфи ҳақида ҳам эшитганмиз...

— Бу касаллик юқумли эмас. Оддий қилиб айтганда, у терининг косметик нуқсони, холос. Яъни, бу — меланоцит ҳужайралари томонидан меланин пигменти (ранг берувчи)нинг етарли даражада ишлаб чиқарилмаслигидир. Касалликнинг келиб чиқиши ҳануз фанга маълум эмас. Унинг иммунологик, моддалар алмашинувининг бузилиши жараёнлари ва ирсий омиллари ўрганилган. Билганимиз шуки, катталарда бу асабнинг қаттиқ шикастланиши натижасида келиб чиқса, ёш болаларда, асосан, ирсий томондан, ошқозон ичак касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келади. Қолаверса, болага мис, темир ва рух моддалари етишмаслигининг ҳам катта таъсири бор.

Бугун фаннинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда касаллик кўпайишининг олдини олса бўлади. Бунинг учун бемор мунтазам шифокор назоратида бўлиши лозим.

Ирсий омилларга келсак, касалликнинг наслдан-наслга ўтиш хавфи 25 фоизни ташкил қилади. Агар ҳам ота, ҳам онада бу касаллик мавжуд бўлса, хавф 50 фоизга кўпаяди, деганидир.

— Балиқ билан сут маҳсулотларини аралаш ҳолда тановвул қилиш мана шу касалликка олиб келади, дейишларига нима дейсиз?

— Бу нотўғри. Аммо шунга эътибор бериш керакки, оқсил маҳсулотларининг бир-бирига тўғри келмаслиги тери касалликлари келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин.

— Тери касалликларининг болаларда авж олишини қандай йўллар билан бартараф этиш мумкин?

— Бунинг учун олдини олиш чоралари кўрилади. Терининг аллергик касалликлари мавжуд ҳолларда организмнинг маълум аллергенлар билан алоқасини чеклаш керак бўлади. Терининг юқумли касалликларида эса, хусусан вирусли, замбуруғли, йирингли турларида, болалар орасида бир-бирига юқиб тарқалиши мумкинлигини эътиборга олиб, бемор болаларни касаллик аниқланиши билан алоҳида муҳофаза қилиш ва мутахассис назоратида даволаш лозим. Ота-оналардан талаб қилинадигани, юқорида айтиб ўтганимдек, болага ёшликдан санитария гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишни уқтиришдир. Ана шунда кўпгина касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Муборак ОХУНОВА
суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси
Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри

2006 йил 5 апрель соат 18.00 да

КАТТА ТЕАТРДА КАТТА КОНЦЕРТ
КАТТА ОВОЗ СОҲИБИ
Ҳотамбек Йўлдошев

Дирижёр — Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Аида Абдуллаева.
Режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хайдарали Қосимов.
Дастурда: ДАКТ симфоник оркестри ва ўзбек халқ чолғулари ансамбли жўр бўлади.

Театрнинг бош ҳомийси — «Самсунг электроникс».

Ахборот ҳамкорларимиз — «Камалак ТВ», «Хумо» газетаси, «Пойтахт» ва «Наврўз» радиолари, «Ўзбекистон янгиликлари».

Театр раҳбари — Б.Р.Якубов.
Театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби — А.Ю.Эргашев.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Тел.: 132-19-48, 74-81-93, 175-81-93, 133-90-81.

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли ширкат хўжалигининг

беш минг кишилик жамоаси ўз ҳамюртларини

БАҲОР БАЙРАМИ



билан қутлайди.

Ўлкамиз тароватн — меҳнатдан.

Хирмонларингиз ҳамиша бутун, дастурхонингиз тўкин, одимларингиз орзуларингизга уйғун бўлсин.

Қўли гул одамларнинг замини ҳам гуллаб-яшнайверади.

А. ИБРОҲИМОВ НОМЛИ
«ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2006 йил 30 март куни соат 12.00 да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш — соат 11.00 дан.
Кредиторлар йиғилишида қатнашиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва кредитор манфаатини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жамоаси қўмита раиси ўринбосари Гулнора Маруфовага волидаи муҳтарамаси **Мақсудахон ая ШОДМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Машъал» радиоканали жамоаси диктор Носиржон Деҳқоновга отаси **Акромжон ота ДЕҲҚОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий информатика кафедраси катта ўқитувчиси Елена Пилипенкога онаси **Тамара ПОПОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 22.50 123456